

Ўзбек тили. 8-синф.

Мавзу: “Кесим ва унинг ифодаланиши”

Туркбоши тумани

**А. Навоий номли умумий ўрта мактаб
ўқитувчиси Каримова Наима Эркиновна**



Дарс режаси:

1. “Қувонч давраси”да “Билетсиз қуёнча” ўйини орқали психологик тайёргарлик. Гуруҳларга бирлашиш.
2. “Дўстингга ёрдам бер” техникаси орқали уй вазифаси таҳлили;
3. “Зинапоя” стратегияси бўйича жуфтликда ишлаш.
3. Дарс мавзуси ва мақсадини аниқлаш.
4. Янги мавзуни “Постер” стратегияси ёрдамида ўрганиш.
5. Дам олиш дақиқаси: “ Мевалар тилга кирганда...”
6. Янги мавзуни мустаҳкамлаш :
 - 68-машқ;
 - “А, Б, В, Г, Д”стратегияси бўйича тест топшириқлари билан ишлаш.
7. Уйга вазифа: 77-машқ.
 - “Болалар олами”, “Руҳият дунёси ” газеталаридаги бошқотирмаларни ечиш

Дарс шиори:

" Бўш ўтирма, бош қотир,
Ҳаммасига сен қодир! "




Дарс шиори:" Бўш ўтирма, бош қотир,
хаммасига сен қодир! "

Уй вазифасини текшириш:

Жуфт бўлиб ишлаймиз а)

«Дўстингга ёрдам бер»;

б) “Зинапоя”



Зинапоа

Зинапоа

Дарс мавзуси:
Кесим ва унинг
ифодаланиши
(баяндауыш; *predicative*;
сказуемое и способы
его выражения)



Таянч сўзлар

кесим

баяндауыш

сказуемое

predicative



Дарс мақсади:

- кесим ҳақидаги маълумотни такрорлаб, билимни кенгайтириш;
- унинг ифодаланиши ҳақида тўғри хулоса чиқара олиш;
- мустақил фикрлаш қобилиятни такомиллаштириш;
- фарқлаш, қиёслаш малакаларини ривожлантириш;
- ватанпарвар бўлиш



Гуру ҳиши : “Постер”



Кесимнинг ифодаланиши

- 1. **Феъл билан:** *Ҳалол меҳнат инсонни улуғлайди.*
- 2. **Сифат билан:** *Еримиз унумли.*
- 3. **От билан:** *Қозоғистоннинг пойтахти – Астана.*
- 4. **Сон билан:** *Икки ўн беш – бир ўттиз.*
- 5. **Олмош билан:** *Бизнинг қароримиз – шу.*
- 6. **Равиш билан:** *Дангасанинг важи кўп.*
- 7. **От билан:** *Собир сўзининг устидан чиқди.*
- 8. **Модал сўз билан:** *Менда Саид Аҳмаднинг “Уфқ” романи бор. Уйда ҳеч ким йўқ.*

Дам олиш дақиқаси: “Мевалар тилга кирганда...”



Қулупнай: Ёқимтой, хушмуомаласиз. Ҳамма билан бирдек тил топишасиз. Ҳасад сизга ёт тушунча. Арзимаган нарсалар учун асабийлашмасликка ҳаракат қиласиз. Бироқ куюнчак инсонсиз.

Шафтоли

Доимо марказида туришни истайсиз. Очиқкўнгил ва ҳақиқатгўй ҳамда кечиримлисиз.

Гилос: Назокатли, мулойим ва бағрикенгсиз.

Туйғуларингиз, ҳар бир қилган ишингиз юракдан. Ҳазил-мутойибани севасиз, ғийбатдан эса узоқроқ юринг.

Олма: Ғайритабиийликни ёқтирасиз. Доим биринчиликка интиласиз ва буни уддалайсиз. Саёҳат қилиш жон-у дилингиз. Сиздан зўр раҳбар чиқади.

**Банан: Севимли, ёқимли ва жўшқин инсонсиз.
Сизга ўзингизга бўлган ишонч етишмайди, холос.
Аслида сиз ҳамма нарсани уддалайсиз.**

**Апельсин: Сабр-тоқатлисиз. Умидсизликка тез
бериласиз, дўстларингиздан ҳам ўринсиз
шубҳаланасиз. Янгилик яратишни ва тезкорликни
истайсиз. Омад сизга ҳамиша ҳамроҳ бўлади.**

Дарсни мустаҳкамлаш

-68-машқ. Берилган гапларни ўқинг. Уларнинг тугал фикр ифодадай олмаслиги сабабини тушунтиринг

-”А, Б, В, Г, Д” стратегияси



1. Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- А. Эга, кесим.**
- Б. Хол, эга, кесим.**
- В. Эга, тўлдирувчи, кесим.**
- Г. Тўлдирувчи, аниқловчи, хол.**
- Д. Кесим, хол, эга**

2. Гапда кесим вазифасида келган сифат қайси қаторда берилган?

- А. Яхшидан от, ёмондан дод**
- Б. Нон азиз, ушоғи ундан азиз.**
- В. Мард майдонда синалади.**
- Г. Одоб - инсон зийнати.**
- Д. Меҳнат едиради, илм кийдиради.**

3. Гапда кесим вазифасида келган от қайси қаторда берилган?

- А. Гап билан шошма, иш билан шош.**
- Б. Одамнинг юзи офтобдан иссиқ.**
- В. Бирни кессанг, ўнни эк.**
- Г. Камтарлик инсонни безайди.**
- Д. Гапирганинг-кумуш, гапирмаганинг-олтин.**

4. Қайси қатордаги гапда “бойлик ” сўзи эга вазифасида келган?

- А. Ғалла - бойлигимиз.**
- Б. Бойлигим - соғлигим.**
- В. Соғлигим - бойлигим.**
- Г. Бойлигингга ишонма, билимингга ишон.**
- Д. Билим - туганмас бойлик.**

5. Кесим олмош билан ифодаланган гапни кўрсатинг.

- А. Астана - Қозоғистоннинг пойтахти.**
- Б. Ўқиш- яхши, уқиш ундан ҳам яхши.**
- В. Ҳаммасининг тили бир.**
- Г. Улар дам олиш учун йиғилишган.**
- Д. Биз ҳақимизда айтган - ўша.**

-”А, Б, В, Г, Д” стратегияси

Баҳолаш меъёри

5 та саволга тўғри жавоб – “5”

4 та саволга тўғри жавоб – “4”

3-2 та саволга тўғри жавоб – “3”



Уйга вазифа:

- 77-машқ;

**-“Болалар олами”, “Рухият дунёси”
газеталаридаги бошқотирмалар устида
ишлаш.**



Рефлексия: “Кесим дарахти буйлаб...”

